

Ўйлаб кўрсам, “Ўткан кунлар” Зайнаб борлиги учун ҳам кадрли экан. Эътибор беринг, ўша даврда яшаган кизлар кадрли экан. Эътибор беринг, ўша даврда яшаган кизлар эркисиз, хукуксиз, забун ва уларнинг аксарияти хатто бунга рози эдилар. Ўз хукуklarини химоя қилиш, кимдандир хақини талаб қилиш улар учун ёт эди. Улар ўз қисматларидан бахт кидирардилар. Гоҳида топардилар ҳам.

Серфарзанд ўзбек оилаларда хозир ҳам янги қийим қийишни ҳаёлига келтирмайдиган, опасига тор келиб қолган эски кўйлақни совга ўрнида қабул қиладиганлар бор. Улар оиладаёқ бир нарсага – мутеликка ўрганиб бораверишади. Аммо бу андишанинг оти кўрқок дегани эмас-да.

-Умуман, мен Зайнаб тимсолида бир умр итоатгўйликда яшаган, катталарнинг “яхши киз бўл” деган насиҳатини “ҳаддан ортик тушуниб юборган” ва охир-окибат бу дунёда борлигим ҳам кимгадир малол келмаяптимики, деган ҳадик билан кимтини яшаётган одамларни кўраман.

Афсуски, уларнинг тақдири “Зумрад ва Киммат” эртагидай яқун топмайди. Оилада ҳам, кўчада ҳам “киммат”ларнинг ошиги олчи бўлаверади. Менимча, ҳамма эртақларни мана шундай дардини ичига ютиб, ёлғизликни севадиганлар ўйлаб чиқарган бўлса керак. Улар ҳаёлардагина ўз орзуларининг рўёбини кўрадилар. Афсуски, хақиқий ҳаёт бутунлай бошқача. Аммо улар хақиқий ҳаётдан кўра, эртақларда яшашни яхши кўрадилар.

Балки дўстим ҳақдир. Бу дунёда бир-бирларини бутун борлиги билан севадиган Тохир-Зухролар, Фарҳоду Ширинлар, Лайли ва Мажнунар, боринги, Отабек ва Қумушлар ҳам йўқдир. Аммо мудом ширин ҳаёллар билан, орзулар оғушида яшайдиган, эътиборсиз қолдирилганида ҳеч кимга билдирмай кўз ёш тўқадиган Зайнаблар жуда кўп.

Толесизликни кўринги, Зайнабнинг ҳар жихатдан кўнгли ўксик. У етим ва ногирон эди. Йўқ, адашаётганим йўқ. Нега энди, отаси ёки онаси йўқларни “етим” деб аташ мумкину, севгилиси йўқ одамни етим деб бўлмасин?! Нима учун кўли ёки оёғи шикастланганларни “ногирон” десак тўғри бўлади-ю, юраги чок-чоқидан ситилиб кетганларни шундай атаб бўлмаса?!

Лекин уларнинг-да юраги тошдан, асаблари темирдан эмас. Бир қуни уларнинг қалбидан дахшатли вулкани отилиб чиқади. Аммо бу ҳолни ҳеч ким яхшиликка менгзамайди.

Кесакдан олов чиқди, дейишади истехзо аралаш. Эътибор берган бўлсангиз, Зайнаб дастлаб ўзига ишлатилаётган камситиш ва таҳқирлашларни каттик олмайди. Муштипар аёл буларнинг барига сабот билан чидайди. Қалбида муҳаббат деган муқаддас туйғу уйғонмаганида, бир умр “яхши киз” бўлиб ўтиб кетиши ҳам мумкин эди. Аммо ўша туйғу инсон қалбини-да ўзгартиришга қодир.

Романда Қодирий Қумушни “ўлдириб қўйган”, Отабекнинг босқинчилар билан урушда ҳалок бўлганини айтган. Аммо Зайнабнинг тақдири номаълум. Назаримда, Зайнаб бугун ҳам орамизда азоблар қомида ўртаниб юргандай. Қачонки, эри бир этак болалари билан ташлаб кетган аёлни ёки алданган қизларни кўрсам, Зайнаб кўз олдимга келаверади. Беихтиёр дилимда шундай сўзлар айланади. ҳали тилимга чиқмаган дил сўзларимни қозғога тушираман. Бечора Зайнаб, бевафо дунёнинг охири йўқ деворларига урилавериш, тошга айланиб кетган бошини қуриётган Оролдан шўрлаб кетган пешонини елкамга қўй. Биламан, сени дунёда ушлаб турган яғна ришта ҳам

узилай-узилай деб турибди. Тушунаман, сенга бу дунёда севган кишингдан бошқа ҳеч ким керакмас, ўзингга кимнингдир ачинишини ҳам, кўнглингни кўтаришга интилишини ҳам истамайсан Аммо мен сенинг бор дардингни ичингга ютиб, азоб чекишингни хохламайман. Ахир, бир кадрдонимнинг ташвишини кўтара олмасам, яшаб нима қилдим, ОПАЖОН!!!

Элбек ЖУМАНОВ